Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 23 июль, чоршанба • № 58 (10.936) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида юксак ватанпарварлик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган, Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этишда ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тавсифи тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 22 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институти негизида юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилсин. Унинг тузилмаси, устави тасдиқлансин.

2. Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти директор ва унинг икки ўринбосаридан иборат таркибда тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юристлар малакасини ошириш марказида:

— адлия, суд, прокуратура, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари 3 ойлик курсда қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар;

— ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига заҳирага олинган ходимлар 6 ойлик курсда ўқитиладилар;

— маълум тоифа кадрлар учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил қилинади;

— ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва уларнинг иш жойига тавсифнома берилади;

— ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;

— ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқалар амалга оширилади;

— ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларнинг савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари ва лавозимлари сақланиб қолинади. Жойлардан келган тингловчиларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ суткалик, ўқиш манзилига келиш ва қайтиб кетиш харажатлари тўланади, шунингдек улар ётоқхона билан таъминланадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур марказда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига республиканинг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, бошқа ходимларга эса давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш марказига шу йўналишдаги хорижий ва халқаро институтлар, ташкилотлар билан алоқаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

1998 йилдан бошлаб ҳар йили марказнинг буюртмасига мувофиқ хорижий мутахассисларни ишга таклиф этиш, марказ ходимларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши, шунингдек, даврий нашрларга обуна бўлишлари, хорижда чиқариладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан олишлари учун, шу жумладан эркин алмаштириладиган валюталарда:

— марказни асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозлаш ва транспорт воситалари олиш учун;

— марказнинг фаолият кўрсатиши, шу жумладан мазкур қарор шартларига мувофиқ иш ҳақи, бино ва иншоотларни жиҳозлаш ҳамда капитал таъмирлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий асарлар нашр эттириш учун тақдим қилинган ҳисоб-китобларга кўра зарур маблағлар ажратиш топширилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимияти 2 ой муддатда республика юристлар малакасини ошириш марказига зарур бино ажратиб, ўқув жараёни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда марказни замонавий алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 18-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Гуломов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 июль.

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СЕРМАЗМУН КУНЛАР

● ВАЗИРЛАР Маҳкамасида республика халқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Бош вазири, мазкур комиссия раиси Ў. Султонов бошқарди. Йиғинда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар раҳбарлари, қатор вилоятлар ҳокимларининг муовинлари иштирок этдилар.

● ЎЗБЕКИСТОН Бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Қоҳирада бўлиб, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Миср қўшма комиссияси иккинчи мажлисида иштирок этди. Унда ҳар икки давлат ўртасида қишлоқ хўжалиги, саноат, сув ресурслари, банк тизими, инвестициялар, транспорт, коммуникациялар, қурилиш, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

● МАЪЛУМКИ, шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқандда «Шарқ тароналари» деб аталадиган халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Унда дунёнинг 40 дан зиёд мамлакати вакиллари иштирок этиш хоҳишини билдирдилар. Бугун Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг конференция залида мазкур халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилади.

● АСАКАДАГИ «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея корхонаси ишга туширилганлигига бир йил тўлди. Шу давр мобайнида корхона конвейеридан 68 мингта «Дамас», «Тико» ва «Нексия» автомобиллари тушди. Завод тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлагач, йилига 200 мингта машина ишлаб чиқарилади.

● «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳаётида муҳим воқеа юз берди — 16 июль куни корхонанинг прокат цехида диаметри 104 миллиметрли биринчи пўлат шар олинди.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИГА ИШЛАМОҚДА

Бекобод туманидаги консерва заводи 20 йилдан бери ўз маҳсулотлари билан истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Шу вақт давомида ишлаб чиқариш ҳажми уч баравардан зиёд ошди. Корхона ишчи-хизматчилари жорий йилда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар Ўзбекистон Мустақиллигининг олти йиллигини муносиб нишонлаш учун иш суръатини оширмоқдалар. Йил бошидан бери буюртмачилар ва савдо шоҳобчаларига помидор, бодринг консервалари, томат етказиб бердилар. Бекобод металлургия заводи, цемент заводи, «Ўзбексавдо»унинг доимий мижозларидан ҳисобланади.

Суратларда: назоратчи И. Абдураҳмонова тайёр консерваларни кўздан кечирмоқда (юқоридан чапда), ишчилардан Н. Маматқулов ва Р. Авазматовлар конвейер линиясида ишламоқдалар (юқорида ўнгда), Г. Элчиева, Н. Ражабова ва Т. Ҳамидовалар помидорларни саралашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ПСКЕНТ ҲАМ МАРРАГА ЕТДИ

ПСКЕНТ тумани ғалла топшириш юзасидан давлат буюртмасини бажарди. 6446 гектар майдондан 11 минг 771 тонна дон топширилди.

Ҳосилдорлик гектар бошига салкам 30 центнерни ташкил этди. Хўжаликларда меҳнат тўғри ташкил этилгани, илғорлар моддий рағбатлантириб борилгани ҳамда ишчи кучи ва техникадан самарали фойдаланилгани ўримни юқори суръатлар билан олиб бориш имконини берди. Мавсумда далаларда 40 тагача «Нива» ва «Енисей» ҳамда 3 та «Кейс» комбайнлари ишлади. Оддий комбайнлар билан кунига 6—6,5, «Кейс»лар билан эса 23—24 гектар майдондаги ғалла ўриб-янчиб олинди. Комбайнлар ҳозир ҳам ана шундай суръат билан ишлатилмоқда.

Ғаллачиликда ижара пудрати ҳал қилувчи омил бўлди. Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида 730 гектар ер дончиликда бой тажриба тўплаган 113 кишига берилган эди. Уларнинг барчаси бошқарув билан тузган шартномаларини ошириб бажардилар. Ижарачи Раҳим Тожибоев 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 51 центнердан, Зокир Жўраев ва Ҳасан Чўлпоновлар эса 50 центнердан хирмон кўтардилар. Бошқа хўжаликларда ҳам ана шундай муваффақиятларга эришилди.

Шу кунларда ғаллакорлар такрорий экин экиш учун тайёрланган майдонларга пешма-пеш кузги экин экмоқдалар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

БЎСТОНЛИҚ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани деҳқонлари ғалла топшириш давлат буюртмасини бажарди. Қабул пунктларига 9 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб берилди. Бўстонлиқликлар яна икки минг тонна ғалла тайёрлашга аҳд қилдилар.

(ЎзА).

ИЖАРАЧИЛАРНИНГ ИШИ «БЕШ»

БЎСТОНЛИҚ туманининг иқлим шароитлари ўзига хос. Шу боис экин-текинлар етилишида ҳам 10-15 кун фарқ бўлади. Вилоят ғаллакорларига нисбатан бир неча кун кеч ўримга тушган туман хўжаликларида ҳозир ғалла ўримининг айни қизиган пайти. Хўжаликлар бирин-кетин давлат топшириғи режасини бажарганликлари ҳақида хабар бермоқдалар. Куни кеча «Паргос» жамоа хўжалиги ҳам маррага етди.

— Биз бу йил 240 гектар лалми жойларда ғалла сувли ерда, 100 гектар етиштирдик, — деди жамоа хўжалиги раиси Садир Мингбоев. — Айни кунгача давлатга 600 тоннадан зиёд ғалла топширилди. Умумий ҳосилдорлик ҳар гектар ерга 35 центнерданга тўғри келди. Ижарачиларимизнинг ишлари «беш» бўлди. С. Абдуллаев, Т. Абдураҳмонов, С. Ишабоев, Э. Рустамов сингари ижарачилар ҳар гектар майдон ҳосилдорлигини 45—50 центнерга етказдилар.

... Раиснинг хурсанд бўлганича бор. Шу кеча-кундузда ижарачилар ҳосилдорликни янада кўпайтириш, давлат режасига қўшимча яна 70 тонна ҳосил топшириш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

Воқеалар, хабарлар, лиқиллиқлар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

ТУРКИЯНИНГ «Артон» компаниясига қарашли «Айкин» шўъба корхонаси қисқа вақт ичида Оҳангарон туманидаги Алишер Навоий номли хўжалик ҳудудида замонавий ускуналар билан жиҳозланган макарон цехини қуриб фойдаланишга топширди.

Фақат чет эл сармояси ҳисобига бунёд этилган бу цехда синов тариқасида 7-8 хил печенье ҳам тайёрланмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда 140 ишчи ўрни очилади.

Отабек ҒАФФОРОВ.

ҒОЛИБЛАР БАЙРАМДА АНИҚЛАНАДИ

ПСКЕНТ. Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази туман бўлими билан «Меҳнат байроғи» таҳририяти ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг олти йиллик байрами шарафига «Истиқлол, маънавият ва мустақиллик» мавзуида танлов эълон қилди.

Ҳозиргача ана шу рукн остида туманда турли жабҳаларда мустақиллик шарофати ила қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи 20 га яқин муаллифлик асарлари эълон қилинди. Холмат Норматовнинг «Камол топаётган диёр», Мажид Самадовнинг «Ватанга муҳаббат ва садоқат», ижтимоий таъминот ходимаси Муқаддам Мирсоатованинг «Ватан саждагоҳ каби муқаддас», ўқитувчи Шуҳрат Тожиевнинг «Тарихимсан» сарлавҳали мақола ва шеърлари ана шу рукн остида босилди.

Ғолибларни учта мукофот кутмоқда. Биринчи ўринга 6 минг, иккинчи ўринга — 3 минг ва учинчи ўринга 2 минг сўм пул мукофоти таъсис этилган.

Ғолиблар мустақиллик байрами куни аниқланади.

Акбар УМИРОВ.

ҚУТИЧА, ХАЛТАЧА... ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги тадбиркорлик тузилмалари сони яқинда яна биттага ортади. Бу ерда Туркия ва Покистон инвесторлари билан бирга қўшма корхона барпо этиш ишлари бошланиб кетди. Унда олтмиш бир ишчи ўрни ташкил этилади.

Қўшма корхонада қатор харидоргир кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Картон қоғозидан турли ҳажмдаги қутичалар тайёрланади. Бундан ташқари, бозори чаққон полиэтилен халтачалар ҳам ишлаб чиқарилади.

Шу кунларда қўшма корхонада асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари қизғин бормоқда. Монтажчилар жадвалда белгиланган муддатдан илдам ишламоқдалар.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲАММАСИ — ҚУРИЛИШБОП

ОБЛИҚ норуда қурилиш материаллари корхонаси жамоаси республикамиз мустақиллиги олти йиллиги арафасида ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатини ошириб бормоқда. Бу ерда қазиб олинаётган қум-шағал, майдаланган тошга харидорларнинг кўпаяётганлиги юксалишнинг асосий омили бўляпти.

Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида мижозларга етказиб берилган норуда материалларининг жами ҳажми деярли 70 минг куб метрни ташкил этди. Шундай қилиб ярим йиллик топшириқ 108 фоиз қилиб бажарилди. Бу ўтган йилдагидан анча кўп. Маҳсулот ишлаб чиқаришда бундай сезиларли ўсишга мавжуд асбоб-ускуналарнинг унумдорлигини, ишчи-хизматчилар малакасини ошириш туфайли эришилди. Жамоа ютуқларида чилангарлар Ҳасан Аминов, Обиджон Эсенбоевларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар ўз ҳамкасблари билан мавжуд асбоб-ускуналарнинг бир маромда ишлашини таъминламоқдалар.

Ҳамид СОБИРОВ.

Воқеалар, хабарлар, лиқиллиқлар

БУ — ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА!

Асакадаги биринчи ўзбек автомобиль корхонасининг маҳсулотларини «Давра столи» қатнашчилари шундай баҳоладилар

«ЎзДЭУавто» корхонасининг ишга туширилганлигининг бир йиллиги олдидан «Ўзавтосаноат» акционерлик жамияти 15-17 июль кунлари Тошкентда МДҲ мамлакатлари бўйича савдо дилерлари семинарини ташкил этди.

Биз семинар иштирокчиларидан бир гуруҳини «Давра столи»га таклиф қилиб, уларга газетхонларимизни қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдик.

Азамат ЗИЁ: Одатда байрам арафасида босиб ўтилган йўлга бир назар ташланади. Шундай эмасми, Кудрат Раҳматович?

Қ. Р. ПАРПИЕВ («Ўзавтосаноат» АЖ раиси): Биласизми, халқимиз тарихидаги биринчи «ЎзДЭУавто» автомобиль корхонасининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ва «ДЭУ» гуруҳи раҳбари иштирокида Асакада тантанали равишда очилгани ҳаммамизнинг ёдимизда турибди. Ҳозир мазкур корхонада ишлаб чиқариш жараёни муваффақиятли давом этмоқда. 1996 йил дастури тўлиқ уддаланган. Яъни 26 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилиб, харидорларга сотилди. Бу йил эса бизнинг режамизда 105 мингдан зиёд автомобиль тайёрлаш кўзда тутилган. Бугунга келиб завод қиймати 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Дарвоқе, қисқа муддат -- бир йил ичида муҳандис техниклар таркиби шакллантирилиб бўлинди. Уларга Жанубий Кореядан келган оз сонли гуруҳ кўмаклашяпти. Кореялик мутахассислар сони дастлаб 300 киши эди. Ҳозир 24 киши қолди, холос. Ҳозир Жанубий кореялик мутахассислар сонини кескин камайтиришимизнинг боиси аниқ. Бизнинг миллий мутахассисларимиз ўтган қисқа давр мобайнида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳадисини олиб, малакали мутахассис даражасига эришдилар.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бош йўналиши -- автомобилларнинг ўз мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам сотилиши ҳисобланади. Шу ўринда мен куни кеча Тошкентда МДҲ мамлакатлари бўйича савдо дилерлари (воситачилари) иштирокида ўтказилган семинар-кенгашнинг муҳимлигини таъкидламоқчи эдим. Дарвоқе, бугунги суҳбатимизда Россия ва унинг минтақаларидаги машҳур автомобиль компаниялари вакиллари иштирок этишаяпти.

Азамат ЗИЁ: Кудрат Раҳматович, мен сизнинг «ЎзДЭУавто»да маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнлари тўлиқ йўлга қўйилганлиги ва корхона мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бораётганлиги ҳақидаги фикрларингизга тўлиқ қўшиламан. Бироқ бу ерда маҳсулотнинг сотилиши масаласига ўтишдан олдин мен Шуҳрат Фаттоҳовичдан янги корхонанинг ички тузилиши, унинг технологик жиҳатдан таъминланганлиги ва муҳандис-техниклар таркиби ҳақида тўликроқ гапириб беришни илтимос қилмоқчи эдим.

Ш. Ф. ЮСУПОВ («ЎзДЭУавто» АЖ бош директори): Тўғрисини айтганда, ўтган бир йил бизнинг ишлаб чиқаришимиз учун барқарорлаштириш йили бўлди. Биз ундан муваффақиятли ўтдик. Маҳсулот сифати яхшиланиб ниҳоятда мураккаб технология созланиш жараёнини босиб ўтди, ташкилий масалалар ҳал этилди. Биз ўта яхши тайёрланган ва бир-бири билан ҳамжиҳатликда ишлай оладиган икки сменали ишлаб чиқариш жамоасини таркиб топдирдик. Айни чоғда биринчи йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифати кўрсаткичларининг лойиҳадаги даражасига эришдик.

Азамат ЗИЁ: Заводда ҳозир қанча киши меҳнат қиляпти?

Ш. Ф. ЮСУПОВ: Бизда иккита жамоа мавжуд. Биринчиси Асакада ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 4 минг нафар кишидир. Уларнинг 500 нафари ҳозир Жанубий Кореяда малака оширяпти. Аниқроғи, малака ва билимни ошириш жараёни давом этмоқда. Бундан ташқари, биз ҳозир Жанубий Кореядаги дўстларимизга ўз мутахассисларимиз билан ҳам кўмак беряпмиз.

Иккинчи жамоа қарийб 3 минг киши атрофида бўлиб, улар, асосан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш, хизмат кўрсатиш ва маркетинг билан шуғулланишяпти. Ҳозирги пайтда, айтиш мумкинки, маълум даражада хорижий сотув тармоқларимиз ҳам вужудга келтирилган. Бу тармоқлар ўз мамлакатларида ўзбек автомобилини сотиш билан машғул бўлишади.

Азамат ЗИЁ: Албатта, автомобилларимизнинг юқори сифати ҳақида ишлаб чиқарувчилар томонидан яхши гаплар эшитиш биз учун ёқимлидир. Шу билан бирга, ҳақиқий баҳони, барибир, бозор белгилайди. Айнан бозорда у ёки бу маҳсулотнинг қандайлиги аниқланади. Шу ўринда, Юлий Анатольевич, Сизга битта саволим бор эди: бизнинг автомобилимиз сизларга маъқул келяптими?

Юлий Анатольевич ДУБОВ («Лого ВАЗ» АЖ бош директори): Келинг, яхшиси, мен аввал ушбу лойиҳа ҳақидаги фикрларим билан ўртоқлашай. Менимча, бу лойиҳа ўз маҳсулоти билан муҳимдир. «ЎзДЭУавто» лойиҳасининг бир қатор ижобий жиҳатлари борки, у айнан шу жиҳатлари билан Россия бозорини эгалламоқда. Мен бу ерда ҳозир Россия бозори ва унга «ЎзДЭУавто» маҳсулотларининг кириб бориши ҳақида айтаяпман. Биринчидан, у кенг миқёсли ўта замонавий ишлаб чиқариш корхонасидир. Иккинчидан, мазкур корхона кўплаб ва катта ҳажмда автомобиль ишлаб чиқариш қудратига эгадир. Қудрат Раҳматович 26 минг ва 105 минг рақамларини тилга олди. Маълумки, завод тўлиқ лойиҳа қуввати билан ишласа, йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади, Фикримча, агар Шуҳрат Фаттоҳович бу рақамни 200 мингга етказиш пайига тушса корхона буни ҳам эплаши турган гап. Очиғини айтганда, «ЎзДЭУавто» бизнинг бозорда жиддий рақобатбардош корхона ҳисобланади. Учинчидан, мазкур автомобиллар сифати бизнинг мижозларимизнинг барча талабларига тўлиқ мос келади. Ва, ниҳоят, тўртинчидан, «ЎзДЭУавто» корхонаси Россиядан ташқаридаги барча автомобиль ишлаб чиқарувчилар орасида ўзига хос имтиёзли имкониятларга эга. Яъни, у ўз маҳсулотларини Россияга МДҲ мамлакатлари ўртасида имзоланган битимлар асосида экспорт қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу тўртта муҳим жиҳат «ЎзДЭУавто»га автомобиль бозорида стратегик ташаббусни бериб турибди. Заводнинг экспорт дастури тақдири мана шу стратегик ташаббусдан «ЎзДЭУавто»нинг қандай фойдаланишига ҳам боғлиқдир.

Азамат ЗИЁ: Ушбу масала юзасидан суҳбатимиз бошқа иштирокчиларининг фикрини билиш биз учун қизиқарлидир.

Вадим Васильевич КАБАНОВ: («Уралмоторс» АЖ бош директори, Екатеринбург): Дарҳақиқат, бугунга келиб бизнинг бозоримизда истеъмолчи ҳоҳлаган барча кўрсаткичларга эга бўлган ўзига хос автомобиль ҳам шудир. У МДҲ мамлакатларида ўз сифати ва унчалик юқори бўлмаган баҳоси билан биринчи навбатда харидорини топди ва топмоқда. Бу -- жуда муҳим.

Геннадий Алексеевич ТУРКИН: («Золотое руно» компанияси АЖ бош директори», Москва): Менинг фикримча, Россия бозорида «Тўққизлик» сериясида чиқарилаётган «Жигули» билан рақобат қила оладиган автомобиль пайдо бўлди. Бизда «06» дан кейин «09» яхши машина деб ҳисобланади. Бозоримизда эса «ЎзДЭУавто» айнан шунга ўхшаш моделни, мен бу ерда «Нексия»ни кўзда тутаяпман, тавсия этмоқда. «Нексия» бу ерда мана шу босқични босиши ва биринчи қаторни эгаллаши мумкин. Ушбу машинани жуда яхши сотса бўлади.

Геннадий Александрович БУБЛИК: («Куан» АЖ бош директори, Санкт-Петербург): Авваламбор, мен Асака заводига ташрифим чоғида олган таассуротларим билан ўртоқлашмоқчиман. Ўзбекистон қисқа муддат -- икки йил ичида ўта замонавий автомобиль саноатини йўлга қўйганлиги билан мағрурланиши лозим ва керак. «ЎзДЭУавто» автомобиллари бугунги куннинг ўзидаёқ рақобатбардошлиги билан шуҳрат қозонмоқда. Гап шундаки, харидорлар «ЎзДЭУавто» машиналарини Россиянинг «09» ёки «99» лари билан эмас, балки «Форд», «Хондо» каби дунёга машҳур автомобиллар билан солиштириб кўрмоқдалар. Биз харидорларимизга ўзбек автомобилларининг юқори сифати ва барча имкониятларини тушунтириб беришимиз керак. «Тико» ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Санкт-Петербург бозорларида «Тико» иккинчи оилавий автомобиль сифатида оммалашмоқда. «Нексия», «Эсперо» харид қилган харидор бироз вақт ўтгач, қайтиб келиб, рафиқаси ёки қизи учун «Тико» олмоқда. Чунки бу автомобиль ихчам, енгил ва жуда иқтисодий жиҳатдан жуда тежамлидир. «Дамас»га ҳозирча Санкт-Петербургликлар камроқ қизиқишмоқда. Бизнинг мўлжалла-римиз бор: соғлиқни сақлаш, алоқа хизмати тармоғидагилар ушбу модель билан қизиқиб қолишса, ажаб эмас.

•Корхонада 1996 йил дастури тўлиқ уддаланди. Яъни 26 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилиб, харидорларга сотилди. Бу йил эса 105 мингдан зиёд автомобиль тайёрлаш кўзда тутилган.

•Цехлардаги ишнинг аниқ мароми, корхона ҳовлисидаги озодалик кишини ҳайратга солади. Корхона юксак технология билан қуролланган.

•Бизнинг миллий мутахассисларимиз ўтган қисқа давр мобайнида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳадисини олиб, малакали мутахассис даражасига эришдилар.

Азамат ЗИЁ: Ушбу масала юзасидан суҳбатимиз бошқа иштирокчиларининг фикрини билиш биз учун қизиқарлидир.

Вадим Васильевич КАБАНОВ: («Уралмоторс» АЖ бош директори, Екатеринбург): Дарҳақиқат, бугунга келиб бизнинг бозоримизда истеъмолчи ҳоҳлаган барча кўрсаткичларга эга бўлган ўзига хос автомобиль ҳам шудир. У МДҲ мамлакатларида ўз сифати ва унчалик юқори бўлмаган баҳоси билан биринчи навбатда харидорини топди ва топмоқда. Бу -- жуда муҳим.

Геннадий Алексеевич ТУРКИН: («Золотое руно» компанияси АЖ бош директори», Москва): Менинг фикримча, Россия бозорида «Тўққизлик» сериясида чиқарилаётган «Жигули» билан рақобат қила оладиган автомобиль пайдо бўлди. Бизда «06» дан кейин «09» яхши машина деб ҳисобланади. Бозоримизда эса «ЎзДЭУавто» айнан шунга ўхшаш моделни, мен бу ерда «Нексия»ни кўзда тутаяпман, тавсия этмоқда. «Нексия» бу ерда мана шу босқични босиши ва биринчи қаторни эгаллаши мумкин. Ушбу машинани жуда яхши сотса бўлади.

Геннадий Александрович БУБЛИК: («Куан» АЖ бош директори, Санкт-Петербург): Авваламбор, мен Асака заводига ташрифим чоғида олган таассуротларим билан ўртоқлашмоқчиман. Ўзбекистон қисқа муддат -- икки йил ичида ўта замонавий автомобиль саноатини йўлга қўйганлиги билан мағрурланиши лозим ва керак. «ЎзДЭУавто» автомобиллари бугунги куннинг ўзидаёқ рақобатбардошлиги билан шуҳрат қозонмоқда. Гап шундаки, харидорлар «ЎзДЭУавто» машиналарини Россиянинг «09» ёки «99» лари билан эмас, балки «Форд», «Хондо» каби дунёга машҳур автомобиллар билан солиштириб кўрмоқдалар. Биз харидорларимизга ўзбек автомобилларининг юқори сифати ва барча имкониятларини тушунтириб беришимиз керак. «Тико» ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Санкт-Петербург бозорларида «Тико» иккинчи оилавий автомобиль сифатида оммалашмоқда. «Нексия», «Эсперо» харид қилган харидор бироз вақт ўтгач, қайтиб келиб, рафиқаси ёки қизи учун «Тико» олмоқда. Чунки бу автомобиль ихчам, енгил ва жуда иқтисодий оғир кечмоқда. Қандайдир лойиҳалар бўйича қаерлардадир дадил иш олиб борилаётганини эслолмайман. Виборгдаги «АвтоВАЗ» «Опел» билан ҳамкорликда катта қурилиш бошлашни режалаштирганди. Аммо бу иш ҳамон режалигича турибди. Шу йил май ойида Калининградда қурилган «Киа-Балтика» заводи билан шартномалар имзоладик. Улар билан бирга ишлаш ниятидамиз. Лекин Калининград заводидаги ишлаб чиқариш Асакада кўрганларимиздан мутлақо фарқ қилишини айтишим керак. Украинада ҳам «ДЭУ» билан қандайдир музокаралар олиб бориляпти, шекилли. Аммо ҳозирча у ёқда ҳам қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти.

Азамат ЗИЁ: Қозоғистонда ҳам автомобиль заводи қурилади, деб эшитган эдик...

Қ. Р. ПАРПИЕВ : Юлий Анатольевич айтиб ўтганларидек, режалар, ҳоҳишлар бор. Ҳақиқатан ҳам матбуотда Қозоғистонда автомобиль заводи қурилиши ҳақида хабарлар берилган. Бироқ бу мақсадлар ва режалар ҳозир қандай аҳволда эканлигидан мен ҳам, россиялик ҳамкасбларим ҳам бехабармиз. Бироқ фурсатдан фойдаланиб айтиб қўймоқчиман: жорий йилнинг июль ойида биз яна учта ишлаб чиқариш тармоғини ишга туширдик. Булар ўриндиқлар, бамперлар ва кўрсаткичлар панели ҳамда салон жиҳозларини ишлаб чиқарувчи корхоналардир. Август ойининг охирларида лак-бўёқ заводини ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Октябрь ойида эса ёнилғи баклари ва тутун чиқаргичлар ишлаб чиқарувчи яна иккита тармоқ фойдаланишга топширилади. Кўриб турганингиздек, бизнинг лойиҳаларимиз ва режаларимизнинг ҳаммаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: автомобилсозликдаги битта ишчи ўрни мамлакат бўйича 4-5 ишчи ўрни очилишига имконият яратаётир. Мен бунда сервис, сотув ва бошқа хизматларни назарда тутяпман. Шуҳрат Фаттоҳович таъкидлаганларидек, «ЎзДЭУавто» корхонасида 8 мингга яқин киши ишлаётган бўлса, «Ўзавтосаноат» тармоғида 16 мингдан ортиқ хизматчи мавжуд. 1998 йилнинг ўрталарига бориб бу рақам икки ҳисса кўпайиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда автомобилнинг таннархини туширишва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Азамат ЗИЁ: Кудрат Раҳматович «ЎзДЭУавто» маҳсулотининг рақобатбардошлиги масаласини таъкидлаб ўтди. Биз рақобатнинг турли шакллари борлигини биламиз. Баъзида рақобатлашув жуда кескин тус олади. Шу ўринда «Московский комсомолец» газетасининг шу йил 9 июль сонидаги бир мақолага эътиборингизни қаратмоқчиман. Унинг муаллифи ўзбек автомобиллари Россияда муваффақият қозонмаяпти, деб ёзади. Келинг, яхшиси, ўша мақоладан бир жумла келтирайлик: «Автомобиль сифатли йиғилмаган. Йўл-йўлакай гилдираклари, эшиклари ва таги тушиб кетади. Шу боисдан йўл транспорт ҳодисалари кўпайиб, бу ҳол машинанинг нархини кескин тушириб юбормоқда». Буни қандай тушуниш мумкин? Ҳақиқий аҳволни билмасликми ёки рақобатчиларнинг найрангларими?

Ю. А. ДУБОВ : «Московский комсомолец» мухлислари кўп бўлган жуда машҳур газета. Аммо бу газетанинг ўзига хос бир томони бор. Уни кўплар ўқишади. Аммо мен билган эътиборли одамлар ушбу газетада ўқиганларини ўз давраларида муҳокама қилишга уялишади. Чунки ушбу матбуот органида юқоридагига ўхшаб ҳақиқатга тўғри келмайдиган мақолалар тез-тез босилиб турилади. Қандоқ қиламиз? Газетанинг бўлган-тургани шу. Мен ушбу мақолани тайёрлаган мухбирнинг маҳорати, савияси паст, деб айтишдан ҳам ўзимни тияман. Қолаверса, Россиядаги бошқа матбуот органлари қатори «Московский комсомолец» ҳам буюртма мақола босишдан тортинмаслигини кўп эшитганман. Аслида бу муҳим эмас. Бундай мақолаларга биздагидек муносабатда бўлганингиз маъқул. Хоҳласангиз ўқинг, аммо одамлар орасида муҳокама қилманг.

Азамат ЗИЁ: Фикрингизга тўлиқ қўшиламан. Аммо мени бошқа нарса ўйлантиради. Миллионлаб нусхада тарқаладиган газета, назаримда, олийжаноб мақсадларга хизмат қилиши керак. Лекин ушбу сатрларни ўқиганда, миллатнинг нафсонияти оғримайди, деб ким айтади: «Ўзбеклар фақат курт боқишни биладилар, холос. Улар ҳатто гайкани ҳам тескари бурайдилар. Шу боисдан биринчи машиналардан фақат эҳтиёт қисмлар сифатида фойдаланилди». Геннадий Александрович, сиз ва сизнинг ҳамкасбларингиз Асака заводи цехларида бўлиб, бизнинг йигит-қизларимиз (эътиборингиз учун, бу ерда ўзбеклардан бошқа миллат вакиллари ҳам ишлашади) қандай ишлаётганликларини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Газетадаги гаплар Асакада кўрганларингизга тўғри келадими, йўқми?

Г. А. БУБЛИК : Бугун завода бўлганимизда, ўзимизни хорижий корхоналарда юргандек ҳис қилдик. Дарҳақиқат, биз ҳозир хориждамиз. Цехлардаги ишнинг аниқ мароми, корхона ҳовлисидаги озодалик бизни ҳайратга солди. Корхона юксак технология билан қуролланган. Мақола ҳусусига келсак, унинг муаллифлари ҳеч қачон бундай мўъжизавий корхонани тушларида ҳам кўрмаганлар. Назаримда, уларнинг мақсадлари корхона фаолиятига оқилона баҳо бериш ҳам эмас. Мақолани кимнингдир жиғига тегиши лозим бўлган буюртма материал десак, тўғри бўлади.

Азамат ЗИЁ: Бундай мақолалар «ЎзДЭУавто» маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи воситачилар манфаатларига ҳам путур етказади, шундай эмасми, Геннадий Алексеевич?

Г. А. ТУРКИН : Аввал завод ҳақидаги мулоҳазаларимни айтай. Корхонанинг бутун жамоаси ёш ва кучқувватга тўла. Конвейерларда ишлаётганлар эса деярли бир хил ёшдаги йигитлардир. Тенгдошлар билан ёнма-ён ишлаш қандай ёқимли! Маҳсулот сифати ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки завод технологияси жаҳондаги энг сўнгги ютуқлар асосида қурилган. У жаҳон стандартларига жавоб беради. Шу боисдан ҳам конвейердан энг юқори сифатли машиналар чиқмоқда. Мақола хусусида эса фикрим шундай: у жиддий муҳокама қилишга арзимайди. Маслаҳатим шундай: бизнинг сўзларимизга ишонмаган одамлар ушбу машиналарни сотиб олиб, ҳайдаб кўрсинлар. Ўшанда изоҳга ҳожат қолмайди.

Ю. А. ДУБОВ : Келинг, бу кўнгилни ранжитадиган мавзуга якун ясайлик. Ўша мақолани Москвада яшайдиган одам ёзган. Мен эса унинг учун сизнинг ва ана шу мақолани ўқиган барча юртдошларингизнинг олдида кечирим сўрайман. Бундай мақолалар бошқа бўлмайди, деб умид қиламан.

Азамат ЗИЁ: Дарҳақиқат, изоҳнинг ҳожати йўқ. Ўзбек автомобиллари Россия бозорига шаҳдам кириб бормоқда. Суҳбатимиз сўнггида меҳмонларимиздан мамлакатимиз ҳақидаги ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қиламан.

Г. А. БУБЛИК : Олиб борилаётган улкан қурилиш, озодалик ва тартиб-интизомдан ҳайратга тушдик. Одамлар тинч, осойишта ҳаёт кечиришмоқда, уларнинг юзида самимият барқ уриб турибди. Шаҳардаги тарихий обидаларга бўлган эътибордан таъсирландик.

Г. А. ТУРКИН : Тошкентда биринчи бор бўлишим. Шарқнинг энг ёрқин бўёқларини шу ерда кўрдим. Агар мендан «Ўзбекистонда яшашни хоҳлайсанми?» деб сўрашса, ўйлаб ўтирмасдан, «Ҳа», деб жавоб берардим. Одамларнинг меҳмондўстлиги бизни мафтун этди.

В. В. КАБАНОВ : Тошкентда бундан саккиз йил аввал бўлгандим. Ҳозир унинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетибди. Кенг қамровли қурилишлар, кўчалар ва хиёбонларнинг озодлиги, саранжом-сарištaлиги, тартиб-интизом ҳайратга солади кишини. Энг муҳими, одамлари, худди аввалгидек, ғоят самимий. Бу -- жуда муҳим.

Азамат ЗИЁ: Ташаккур. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, оилангизда тотувлик ва ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Азамат ЗИЁ.
(«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил, 19 июль).

Вилоятимиз пахтазорларида

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИЛСИН ДЕСАНГИЗ

ДЕҲҚОННИНГ пешона тери тўкиб, фидокорона меҳнат қилганлиги кўриниб турипти. Ғўзалар тиззага уради. Ҳосил нишоналари шиғил-шиғил. Лекин, бу ҳосилни сақлаб қолиш, кузда мўлжалдаги хирмон уйиш учун айни кунларда амалга оширилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар ғоят сифатли ўтказилиши керак. Янгийўл тумани далаларида бўлган қуйичирчиқлик деҳқонларнинг ўзаро текшириш гуруҳи аъзолари ана шу масалага эътибор бердилар. Ҳозир ғўзани тунда суғориш керак. Шунинг учун сувчилар сони кўпайтирилиши лозим. Экинни ҳашаротга олдириб қўймаслик зарур. Мусобақадошлар маслаҳатини бекаму-кўст амалга оширишга аҳд қилган янгийўлликлар ғўза парваришини кучайтирмоқдалар.

СУРАТДА: ўзаро текшириш гуруҳи аъзолари Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалиги пахтазорларида.

В. ГАЛИЕВ олган сурат.

ЭРГАШ АКАНИНГ КЎНГЛИ ТЎЛДИ

Чилла чиллалигини қилаяпти. Эгатлар захдан қорайган бўлса ҳам далалар тандирдай қизиган, ҳаво жимирлайди.

— Ғўзаларнинг томири зах-да-ю, барглари қайноқ офтобдалиги деҳқоннинг ёз чилласидан кутган эҳсони, — дейди Ҳасан Салимбеков.

У Чиноз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг тажрибали бригада бошлиқларидан бири. Бу бригада ҳар йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, режани хўжаликда биринчи бўлиб бажаришга эришади. Йил бошида тажриба тариқасида андижонча усулда плёнка остига чигит экилишини эшитган. Бригада бошлиғи Ҳасан Салимбеков хўжаликнинг раиси Эргаш Жонтелеевга маслаҳат солди:

— Янги усулни майдалаб ўтирмай, яхлит қилиб, бизнинг бригадада синаб кўя қолинглар. Ҳар ҳолда уч-тўрт гектардан ерга плёнка ёйиб, чигит эккандан бир йўла 70 гектарда шу усулда пахта етиштирган маъқул-ку...

— Бу иш ҳали янги бўлса, қийналиб қолмасмикансизлар, — раис Ҳасан Салимбеков бошлиқ бригаданинг ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқишига буткул ишонса ҳам бригада бошлиғининг аниқ фикрини билиш учун салмоқлаб сўради.

— Андижонликларнинг ўтган йилги тажрибаси натижалари билан яқиндан танишдим, — деди Ҳасан Салимбеков қатъий. — Тўғри, дастлабига қийинчилиги кўп бўлади, аммо ғўза парваришлаяпти. У ҳам камида 50 центнердан ҳосил етиштираман дейди. Ғўзалардаги гул ва кўсаклар унинг мақсади аниқ эканлигини мана мен деб кўрсатиб турибди. Эгамберди Мўлдошев 70 гектар ерга плёнка стдан киришиш мумкин бўлади.

Раис Салимбековнинг ўз ишига пухталигидан қувонди. Шундай қилиб, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида янги усулда чигит экиш биринчи йили фақат битта бригадада амалга оширилди.

Савр, жавзо ва саратон ойлари ҳам ўтди. Ниҳоллар бўй чўзиб, ғўза туплари бошқа бригадалардагига қараганда бир ой олдин шона боғлади, гулга кирди, кўсак тугди. Экинни шу ҳолга келтиргунча на бригада бошлиғи Ҳасанбойнинг ўзи ва на бригада аъзолари тиним билмадилар. Бригадир оилавий пудратнинг кони фойда эканлигини тушуниб, ўз бригадасида ана шу усулни қўллаган, қишлоқдаги 55 хонадонга ҳар бир ойланинг каттакичиклигини эътиборга олиб, бирикки гектардан экин майдонларини шартнома билан расмийлаштириб, бўлиб берган экан. Сирасини айтганда, пудратга олинган ер ҳам хусусий мулкдек бўлиб қоларкан. Ҳар бир хонадондан камида тўртбеш нафар ишловчи чиқиб, чеккига тушган экин ерларида ғўзаларни суғорди, чопиғини ўтказди, ўтоқ қилиб, ҳар бир туп экинни кўз қорачиғидай асради.

— Бир ярим гектар ер олгандим, — дейди Турғуной Қўйчибекова. — насиб қилса, шу майдондан 75 центнер пахта териб топшираман. Августнинг ўн бешидан теримни бошлайдиган бўлсам, сентябрнинг охиригача ҳосилнинг ҳаммасини саранжомлаб улгураман.

Ойша Алгеева ҳам бир гектар плёнкали ер олиб, ғўза парваришлаяпти. У ҳам камида 50 центнердан ҳосил етиштираман дейди. Ғўзалардаги гул ва кўсаклар унинг мақсади аниқ эканлигини мана мен деб кўрсатиб турибди. Эгамберди Мўлдошев 70 гектар ерга плёнка остига ўзи чигит эккан эди. Қатор ораларини унинг ўзи культивация қилди. Гарчи, бригаданинг барча экин майдонларида эгат олиш, культивация қилиш унинг измида бўлса ҳам ойласига ажратилган икки гектарлик пайкалга алоҳида меҳр қўйди. Чунки, мана шу ердан кўтариладиган ҳосил ойласининг даромадини белгилайди, рўзғорига кут-барака киритади. Шу сабабли бошқа пайкаллардан қўли бўшади дегунча, ўз чекига тушган ана шу икки гектар ер устида парвона бўлади. Унинг жонсараклигини билган Эргаш Жонтелеев ҳам тўртинчи бригадага келганда ғўзанинг аҳволи билан танишишдан олдин Эгамбердининг экинларини бориб кўради. Мана бугун ҳам механизаторнинг меҳнати зое кетмаётганлигидан унинг ерларида бутун хўжаликка кўзкўз қилса арзийдиган даражада мўл ҳосил етиштирилаётганлигидан кўнгли тўлди.

— Бу ҳам бўлса, андижонча усулнинг аслида бизбоп эканлигидан, — деди Ҳасан Салимбеков раиснинг бригададаги ишларидан кўнгли тўлганлигидан қувониб.

— Келгуси йилда албатта, пахта етиштириладиган 942 гектар майдонда шу усулни қўллаймиз, — деди унга жавобан Эргаш Жонтелеев. — Йўқ, бу фақат менинггина эмас, барча оила аъзолари билан пахтачиликда меҳнат қилаётган 376 пудратчининг талаби. Ҳозирданоқ улар Ҳасанбойнинг бригадасидан кам жойимиз йўқ, бу йил кечиккан бўлсак, янаги йилдан албатта биз ҳам плёнка остида пахта етиштирамиз дейишаяпти.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

Мухбир муаммо қўяди

АЙБ КИМДА?

Далаларда бу йил деҳқон ва фермерлар томонидан етиштирилган карам ҳосилининг кўп қисми истеъмолчиларга етиб бормади, исроф бўлди. Бунинг сабаби нимада? Қуйидаги фикр-мулоҳазалар ушбу масалани ўрганиш давомида юзага келди

Ёзнинг дастлабки ойи охирлари эди. Деҳқон бозорини айланиб, ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп қилиб карам олиб ўтирган, умид кўзи билан боқаётган деҳқонга яқинлашдик.

— Қанчадан, биродар?

— Э, жуда арзон бўлиб кетди, берганингизни бераверинг.

Ёнидаги шериги гапга аралашди:

— Агар машинангиз билан даламизга борсангиз текинга, хоҳлаганча олиб кетишингиз мумкин? Мен сизга айтсам биродар, бу йил карамни кўп етиштириб юборган эканмиз, сотолмай чув тушиб ўтирибмиз.

Ҳақиқатан ҳам деҳқоннинг куюниб, гапираётганича бор эди. Бу йил эртаки карам етиштирганлар меҳнатларига куйиб қолишди.

Хўш, нима бўлди ўзи? Бунинг учун ким айбдор?

Бу саволга аниқравшан жавоб олиш учун вилоятимизнинг бир қатор туманлари, хўжаликларида бўлиб, ҳокимлар, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутасаддилар, мутахассислар, сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва сотишни ташкил этишга даҳлдор бўлган вилоят миқёсидаги ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашдик, суҳбатлашдик.

Ким билан гаплашмайлик, ҳақиқатан ҳам бу йил етиштирилган карамнинг бозори суст бўлганлигини ачиниб гапиришади, аҳволни тан олишади. Деҳқонга жабр бўлди дейишади. Лекин ҳеч ким матбуотда ўз исми-фамилияси ошкор бўлишини истамайди.

Ҳамма иллат шундаки, деб айтишади улар, карамни чет тортмай қўйди. Килоси беш-олти сўм турадиган карам истеъмолчига бориб етгунча 35-40 сўмга чиқиб кетаяпти. Лекин бу асосий сабаб, асосий баҳона бўлолмайди. Чунки давр ўзгарди, бозор иқтисоди шароитида яшаяпмиз, меҳнат қилаяпмиз. Мустақиллик ҳуқуқи ҳар кимга ўз ҳукмини ўтказиш имконини берди. Йўл ҳақи қиммат бўлиб кетганлиги — бу табиий. Мустақил бўлгач, ўз ҳудудларидан ўтаётган темир йўл учун қайси бир давлат бўлмасин, оғзига сиққанча ҳақ тўлашни талаб қилиши мумкин.

Одамни бошқа бир нарса ўйлантиради. Ўша бизда етиштирилган карамларнинг бир қисми қандайдир йўллар билан, дейлик, тадбиркорларнинг ишбилармонлиги-ю, устомонлиги туфайли ўша узоқ ерларга, истеъмолчиларга етиб борди-ку! Улар эпини қилишди-ку. Энди савол туғилади. Модомики, давлат йўли билан узоқ м.софадаги истеъмолчиларга маҳсулот, хусусан, карамни олиб бориш ниҳоятда қимматга тушиб кетаётган экан, нега тадбиркорларнинг тажрибасидан ўрганиб, уларнинг тутган йўлларини қонуний йўл билан расмийлаштириб қўйиш мумкин эмас?

Лекин бозор иқтисодиётининг ўз қонунияти бор. Харидорни, истеъмолчини топмай, шартнома тузмай чет элга сотамиз, деган мавҳум ва таги пуч хаёллар билан эҳтиёжи йўқ маҳсулот етиштиришнинг даври ўтди. Шу ҳақда ўйларканмиз, Президентимизнинг йил бошида ўтказилган катта бир йиғинда деҳқон у ёки бу маҳсулотни етиштирар экан, энг аввало бу маҳсулотни кимга сотишни билиши шарт, деб айтган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда деҳқон ҳеч вақт таваккалига иш тутмайди, хоҳ карам бўлсин, хоҳ помидор бўлсин, пишиб етилгач, уни олиб кетувчи, истеъмолчи тайинми, шунга қараб режа олади. Ҳатто маҳсулотини қанчадан сотиши мумкинлиги, қанча даромад олишлигини ҳам таҳминан ҳисоб-китоб қилиб қўяди.

Афсуски, бизда ҳамон бундай бўлмаяпти. Шартномалар юзаки, шунчаки хўжа кўрсин учун тузилади. Бунинг боиси шундаки, аввало режалаштириш нотўғри бўляпти. Ҳали ҳам мутасаддилар қанча сабзавот, қанча карам етиштиришни ўзлари белгиламоқдалар ва уни туманларга, хўжаликларга бўлиб бермоқдалар. Шу ҳақда бир хўжалик раҳбарининг фикрини эшитинг.

— Йил бошида, — деди у, — бизда сабзавот режасини 2900 тонна қилиб беришди. Шундан 900 тоннаси карам бўлиши керак. 600 тоннасини эртаки қилиб экасизлар, дейишди.

— Бунча карам кўп-ку, кимга сотамиз, касод бўлиб қолмасмикин, демадингларми?

— Қизиқ экансиз-ку, — деди у, — нима кўп, ҳар хил ташкилотлар, корхоналар кўп, ОРКлар бор. Ўшаларга тақсимлаб, шартнома тузиб қўяверинглар.

— Пишиқчилик пайтида улар карам кўпайиб кетди, деб олишмаса-чи?

— ...

— Гапимиз тўғри бўлиб чиқди. Лекин биз карамнинг асосий қисмини пленка остига барвақт экиб етиштирганимиз учун доғда қолмадик. Аммо қолгани...

Яна бир хўжалик раҳбари дейди:

— Ҳақиқатан ҳам бизда анчагина майдонлардаги карам қолиб кетди. Ҳатто ҳайдаб юборишга мажбур бўлдик. Ерни бўшатиш, кечки экин экиш керак эди-да.

— Нима, истеъмолчилар билан шартнома тузмаган эдингларми?

— Тузгандик, лекин улар вақтида олиб кетишмади. Биз уларга икки-уч марта хат ёздик, жавоб йўқ. Шундан сўнг шартнома бир томонлама бекор қилинди.

— Хўжалик судига бермадингларми?

— Берсак бўларди, — деди у, — лекин биз бошқа томонни ўйладик. Судга бериш учун уларга катта миқдорда нақд пул ўтказишимиз керак. Хўп, майли судга ҳам бердик, дейлик. Суд бизнинг ҳисобимизга палон сўмни ҳам ундириб беради. Лекин истеъмолчида бу пул ўрни-таги йўқ бўлсачи! Тўлолмаймиз, пулимиз йўқ, деб тураверишади. Бундай воқеалар кўп бўлган.

Ана, сизга шартномаларнинг пучлиги, тагзамини йўқлиги! Ана, сизга юқоридан берилган топшириқларнинг, режаларнинг бажарилиши оқибати?!

Юқоридаги гаплардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин: Ҳамон мутасаддилар, хўжалик раҳбарлари кўпроқ ўз обрўларини ўйламаяптиларми?! Карам тош босади, режани тезроқ бажаришга имкон беради деб ўйлаш, деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқи учун қайғурмаслик, унинг меҳнатини қадрламаслик, эскича фикрлаш, эскича ишлашнинг газак олган иллати эмасми?!

Бир фермер хўжалиги раҳбари билан суҳбатлашганимизда у 100 минг туп карам экдим, эрта кўкламда кўчатнинг ҳар донасига 2 сўмдан харидор бор эди. Агар ўшанда сотганимда 200 минг сўм даромад қилардим. Энди эса, мана, карамни ҳайдаб ташлаяпмиз, деди.

Бу сўзларни тинглаб яна қайта айтишга тўғри келади. Биз бозор иқтисоди шароитида яшаб, меҳнат қилаяпмиз. Бозорнинг ўз талаблари, қонун-қоидаларини нега ҳисобга олмаймиз. Бозор на буйруқ, на дўқ-пўписани тан олади. Унинг талаби қатъий. Ҳамма учун баробар ва аёвсиз. Бу талабни ҳисобга олсанг, ақл-идрок билан, эртани ўйлаб иш қилсанг, тадбиркор ва тежамкор бўлсанг, бойийсан! Агарда бозор талабларини менсимасдан иш юритсанг, у бошқа касб, бошқа тармоқ эгалари сингари деҳқонни ҳам абгор қилиб қўйиши ҳеч гап эмас!

Бундан чиқадиган хулоса шуки, юқоридан бериладиган режа, кўрсатмага қараб тузиладиган шартномаларнинг даври ўтди. Деҳқонга эркинлик, мустақиллик бердикми, қайси ерига, қачон, нима экишини унинг ўзига ҳам қўйиб берайлик. Муаммони унинг ўзи ҳал этади!

Айни вақтда деҳқон маҳсулотининг истеъмолчига етиб бориши учун уни сотишни ҳам билиш ва бу ишни тўғри ташкил этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ахир бир вақтлари турли мавзе, даҳаларда сабзавот, мева маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар бўларди. Улар одамларнинг узоғини яқин қиларди. Бундай дўконлар, афсуски, йўқ бўлиб кетди. Уларнинг ўрнида чет эллардан келтирилган, турли ялтир-юлтир шоколаду-печеньелар, спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак?

Эҳтимол, деҳқоннинг ўзига қўйиб берсак, четга маҳсулот чиқаришни ҳам эпини қилар, муаммоларини ҳал этар. Фақат унга далда бериш, амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Хўжалик раҳбари деҳқон меҳнатининг рўёбга чиқиши учун қайғуриши шарт. Мақолани ёзишга тайёргарлик кўраётганда бир хўжалик раҳбари айтган эди:

— Бизда ҳақиқатан ҳам карам кўп етиштирилди. Қарасак, жуда арзон бўлиб кетди, ўтмай қолди. Шунда деҳқонлардан карамни харид қилиб олиб, музхоналарга жойлаштириб қўйдик. Узоғи билан 15-20 кун сақлайлик, яна бозорда карам «қимирлаб» қолади деб мўлжал қилдик. Айтганимиздай бўлди. Деҳқон ҳам фойда кўрди, биз ҳам.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилади. Бу йилги шароит жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш билан шуғулланиш қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор кўрсатмоқда. Афсуски, бу оддий ҳақиқатга амал қилинмаяпти.

Яна бир гап. Сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб олиш, қайта ишлаб сотиш ҳамон 2-3 та консерва заводларининг монополиясига айланиб қолмоқда. Бизнингча, бу борада ҳам рақобатни вужудга келтириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Хуллас, олти йиллик сабоқдан тўғри ва оқилона хулоса чиқарадиган вақт келди. Шундай қилишимиз, керакки, деҳқон не-не машаққатлар билан маҳсулот етиштиргач, ундан ўзи кутгандек манфаатни кўрсин. Мутасаддилар ана шуни рўёбга чиқаришда деҳқонга кўмак берсинлар, қўллаб-қувватласинлар. Унинг ишига бўлар-бўлмасга аралашавериш, уни эк, буни эк, деб мажбур қилиб ва оқибатда «карам машмашаси» сингари ҳолатларнинг бундан кейин ҳам содир бўлишига йўл қўйсак, деҳқон ҳеч вақт кечирмайди. Қолаверса, гап деҳқончилик келажаги устида бормоқда.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ғалла мустақиллиги учун

Суратларда: комбайнчи Равшан Қурбонов ҳайдовчи Нурмуҳаммад Ўтбосаров ва комбайнчи ёрдамчиси Сергей Иброҳимовлар; «Кейс» комбайни навбатдаги машинани ғаллага тўлдирмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

40 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗИБ

Оҳангарон туманининг «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида бу йил 800 гектар ерга ғалла экилган. Сувли ерлардаги ҳосил баракали бўлиб, ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этмоқда.

Хўжаликда учта ғалла комбайни ишламоқда. Шу мавсумда Х. Мусаев, Р, Маҳкамов, А. Хайитбоев каби моҳир комбайнчиларнинг ҳар бири кунига 20-25 тоннагача жами 160-140 тоннадан ғалла ўриб қўйдилар. Шу кунгача 500 тонна ғалла янчиб хирмонга тўкилди.

Абдукарим Ўролов етакчилик қилаётган хўжаликнинг 2-бригадаси аъзолари дон янчиб олишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Бунда дала ишчилари Х. Худойбердиев, тракторчи А. Алимов кабиларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Шу хўжаликнинг 8-бригадасига Иброҳим Жўраев етакчилик қилади. Бригаданинг буғдой майдони 123 гектар. 33 гектар ерда эски беда, 72 гектар ерда маккажўхори ва бошқа экинлар экилган. Илғор ишчилар Қайроқбой Эгамбоев, Олтин Юнусов, Тўлқин Укубоев, Равшан Қурбонов, Тожибой Сартбоев, Қурбон Назаровлар ўзларининг самарали меҳнатлари туфайли ҳамиша ҳурмат-эътиборда.

Бригаданинг ғалла майдони асосан қирли далаларда жойлашгани боис бу бригадада ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этмоқда. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Бутун куч тез кунларда ғаллани нес-нобуд қилмай йиғиб олишга қаратилган.

М. МИРАЛИЕВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ҚИСҚА САТРЛАРДА

ФОРУМ ИШ БОШЛАДИ

● ҚИРҒИЗИСТОН пойтахти Бишкекда XXI аср маданиятининг миллий ва дунёвий жиҳатларини ўрганишга бағишланган «Иссиққўл форуми» деб аталган анжуман иш бошлади. Мазкур йиғин ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий мақсади — жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини башарият олдида турган долзарб муаммоларга қаратишдир. Форумда ЮНЕСКО Бош котиби Федерико Майор, Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов ва бошқа таниқли арбоблар иштирок этмоқда. Анжуман ишида Қирғизистон президенти Аскар Акаев ҳамда Туркия президенти Сулаймон Дэмирелнинг иштирок этиши кутиляпти.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

● АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон таклифига биноан Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе Вашингтонга келди. Э. Шеварднадзе ўзининг беш кунлик сафари давомида Оқ уй раҳбари Б. Клинтон, шунингдек, АҚШ конгресси ва сенати вакиллари ҳамда Пентагон раҳбарияти билан учрашди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, мазкур учрашувларда ўзаро ҳамкорлик ҳамда Грузияга иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

ҚАРОР ҚИЗҒИН КУТИБ ОЛИНДИ

● ЖАЗОИР ҳукумати мамлакатдаги Ислом озодлик фронти раҳбари Аббос Маданийни қамоқдан озод қилишга қарор қилди. Айни кунларда Оврупода вақтинчалик паногоҳ топган ушбу фронт раҳбарлари ҳукуматнинг бу қарорини қизғин кутиб олдилар. Улар берган баёнотга кўра мазкур қарор «Президент Ламин Зеруалнинг мамлакатда барқарорлик ўрнатиш ва ички инқирозни бартараф этишга кўмак берувчи қадами бўлди». Шунингдек, баёнотда Жазоир ҳукумати мазкур фронт раисининг ўринбосари Али Белҳўжа ҳамда барча сиёсий маҳбусларни ҳам қамоқдан озод этишга даъват қилинди.

МАЙАМИДА ОТИЛГАН ЎҚЛАР

● ҲАР СОҲАНИНГ ўз машҳур кишилари бўлади. Жанни Версаче ҳозирги замонда аҳолининг кўпчилигини қизиқтирувчи «мода» деб аталмиш кийим-кечакларнинг ҳаммага мақбул турларини яратиш бўйича энг донгдор устозлардан бири эди. У яқинда дам олиш учун Америка Қўшма Штатларининг Майами шаҳрига — ўзининг оқ саройига келган эди. Бир неча кундан сўнг кутилмаганда фожеа содир бўлди.

15 июль куни АҚШнинг деярли барча теле ва радио станциялари ўз кўрсатувларидаги ва эшиттиришларини бирданига тўхтатиб, Майамида рўй берган қотиллик устида сўз юрита бошладилар. Хабарларга қараганда, қотиллик тафсилотлари қуйидагича эди:

Эрталаб барвақт турган Ж. Версаче нонушта қилиб келиш учун уйидан унча узоқ бўлмаган тамаддихонага йўл олади. Бу пайтда чамаси соат 9 лар эди. Жанни овқатланиб чиққач, бир нечта газета ва журналлар сотиб олади ва масканига қайтади. У бино зинапояларига яқинлашганда 20 ёшлардаги ёш йигит унга рўбарў чиқади ва қўққисдан тўппончадан икки марта ўқ узиб, Ж. Версачени ерга йиқитади. Тез ёрдам машинаси етиб келади. Аммо кеч эди. Бутун дунёга машҳур бўлган «модалар пири» шу ернинг ўзида бошига отилган ўқлардан ҳалок бўлади.

Қотилнинг кимлиги номаълум эди. Полиция, кейинроқ, Федерал Текширув Бюроси ходимлари югур-югурга тушадилар. Бир нечта гувоҳлар дарҳол сўроқ қилинади. Уларнинг айтишича, йигит чиндан ҳам йигирмалар атрофида, оқ кўйлакда, қора калта шимда бўлган. Унинг орқасида қандайдир тўрва борлигини ҳам кўришган. Ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш идоралари хизматчилари тез орада қўшни мавзеда ташлаб кетилган қизил рангдаги енгил автомашинани топадилар. Унинг тагида қолдирилган кийимлар қотил устидаги кийимларга жуда-жуда ўхшар эди.

Изма-из бориш ашаддий қотил, хавфли жиноятчи, бир неча кишининг ўлимига сабаб бўлган Эндрю Кунаэн деган кимсага олиб келади. Бу «бесоқол» аввалларги ўз маъшуқасининг ҳамда уч эркакнинг ўлимида гумон қилинган. Ҳукумат рўйҳатидаги 10 нафар энг хавфли жиноятчилар қаторида бўлган. Юқорида айтилган машинани бир неча кун муқаддам Э. Кунаэн ўғирлаб кетган экан.

Италиянинг жанубидан чиққан, 34 ёшида бутун жаҳонга машҳур бўлган кийим-кечак «меъмори» Ж. Версачени ким ўлдирганлиги айни кунларгача ҳам аниқ бўлмаётир. Оммавий ахборот воситалари бу мавзуга тез-тез қайтиб турибдилар. Кимлардир унинг дўстлари кўп эди, деса, кимлардир унинг душманлари ҳам кўп эди, демоқдалар. 600 миллион доллар унинг ягона бойлиги эмас эди. 50 яшар Ж. Версачениинг Нью-Йорк, Париж, Майами, Рим сингари катта шаҳарларда ўта қимматли саройлари ҳам бор эди. Кейинги соатларда «мода дизайнери» мафиячилар олами билан ҳам боғланганди, деган гаплар чиқиб қолди. Аммо, бу миш-мишларнинг қанчалик тўғрилигини исботлаш лозим бўлади. Шу кеча-кундузда Версачениинг васиятномаси қидирилмоқда. Ҳозирча унинг меросхўри сифатида ягона сингилчаси — Донателла номи тилга олинмоқда.

ДАҲЛСИЗ ХУДУДДА ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

● КОРЕЙС ярим оролини иккига ажратиб турадиган 38-параллелдаги даҳлсиз худудда қуролли тўқнашув содир бўлди, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси. Жанубий Корея мудофаа вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, КХДРнинг уч нафар ҳарбий хизматчиси даҳлсиз худуддан ўтиб, кўшни мамлакатга кирган. Чегарачиларнинг огоҳлантиришига қарамай, улар илгари юраверганидан сўнг автоматлар ишга тушган.

ТАЛАБАЛАР НОРОЗИ

● НИКАРАГУА пойтахтида полиция билан талабалар ўртасида навбатдаги тўқнашув бўлди. Намойишга чиққан талабалар олий ўқув юртларига давлат томонидан ажратиладиган имтиёзли қарз миқдорини қисқартириш ҳақидаги ҳукумат қарорига норозилик билдирдилар. Мексика матбуотининг ёзишича, Никарагуа пойтахтидаги халқаро аэропортда бўлган мазкур тўқнашув оқибатида 10 киши жароҳатланган.

(ЎзА).

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Ўзбек киноси янгиликлари

«ПИЁДА»

Эркин АЪЗАМнинг шу номли ҳикояси асосида

Сценарий муаллифи — Юсуф Розиқов, режиссёр — Рашид Маликов.

Киноижодкорларимизнинг бадиий адабиётга мурожаат этишлари бежиз эмас. Адабиётнинг сержило, мураккаб ва инсоний кечинмаларга бой олами кино тилига ўгирилганда янада жозиба касб этади. «Оқ бино оқшомлари», «Олов қаъридаги фаришта», «Сени излаб» ва яна бир қатор фильмлар китобхонлар қалбидан ўрин олган қисса ва ҳикоялар асосида яратилган. Адабий асарларни кино тилига ўгириш ижодкорга катта масъулият юклайди. Фильм яратувчиси нафақат асар моҳиятини томошабинга етказиб бериши керак, балки, уни тасвирий жиҳатдан бойитиш, қаҳрамонлар қиёфасига ёрқин чизгилар бериш, асар ғоясини сақлаб қолган ҳолда, мавзуга янгича ёндашиш лозим.

Ўзбек киносининг ёш истеъдодли ижодкорлари кинодраматург Юсуф Розиқов ва режиссёр Рашид Маликов ёзувчи Эркин Аъзамнинг «Пиёда» ҳикояси асосида фильм суратга олиш ниятидалар.

— Ёзувчи Эркин Аъзамнинг ҳикояси мавзуси мени қизиқтириб қолди, — дейди сценарий муаллифи Юсуф Розиқов. — Ёзувчининг ҳикоя қилиш услуби ўзига хос. Асар қаҳрамонлари кечинмалари, ғояси менинг фикр ва хиссиётларимга яқин. «Пиёда» ҳикоясига шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги муносабат асос қилиб олинган. Бўлғуси фильмимизнинг бош қаҳрамони Бердибой зиддиятларга бой, кучли характерга эга шахслардан. Замонавий ҳаётнинг шиддатли тараққиёти уни саросимага солади. Чунки, болалигидан унинг қалбига сингиб кетган олижаноб хислатлар ва эзгу ниятлар бугунги кун одамларининг беоқибатлиги, бефарқлиги, шафқатсизлиги ичра йўқ бўлиб кетаётгандек туюлади унга. Вақтнинг тезкор мароми, тараққиёт суръати инсон қадр-қимматига, соф туйғуларига шикаст етказаётгани қийнайди уни...

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг ҳикояси асосида «Чантраморэ» фильми яратилган эди. «Пиёда» ёзувчининг асари асосида яратилган иккинчи фильмдир. Кинодраматург ва режиссёр Юсуф Розиқов «Пушаймон», «Йўл боши», «Бўрибосар», «Олов қаъридаги фаришта» ва айниқса, «Домла» телесериали орқали томошабинларимизга яхши таниш. Актёр ва режиссёр Рашид Маликовнинг янгича мавзуга қўл ургани қувонарли ҳолдир.

Феруза НОДИРОВА,
Жалол АЛИЕВ.

ЯХШИ ДАМ — ШАРОИТГА БОҒЛИҚ

ёки яна Вилоятимиз ҳудудидаги ёзги болалар оромгоҳларидаги аҳвол хусусида

ВИЛОЯТ ҳудудида жойлашган 75 та оромгоҳларда дастлабки мавсумда 20 мингга яқин болалар дам олишди. Оромгоҳларда яратилган шарт-шароитлар ота-оналарни қувонтирди. Чунки, бу ерларда барча шароитлар яратилган эди. «Камалак», «Автомобилчи», «Чотқол», «Шодлик», «Синегорье» кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, вилоятимиз ҳудудида республикамизнинг Қорақалпоғистон, Хоразм ўлкаларидан келган 780 нафар бола хордиқ чиқарди ва соғлиқларини тиклади. 139 мактаб қошида очилган оромгоҳлар 9094 нафар болани ўз бағрига олди.

Текширув ва хулоса

Вилоят касаба уюшмалари ташаббуси билан Ангрен шаҳри, Бўка туманидаги меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар Янгиобод шаҳридаги сайёҳлар масканига жойлаштирилди. Чирчиқ шаҳар қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш корхонаси оромгоҳларида Чирчиқ шаҳар 14-меҳрибонлик уйидан 45 нафар бола ўз соғлиғини тиклади, шунингдек, 160-Чирчиқ қурилиш бошқармаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Ўзбекистон кимё машинасозлиги корхонаси оромгоҳларида етим болалар дам олдилар.

Вилоят Давлат санитария-эпидемиология хизмати томонидан олиб борилган назорат натижасида оромгоҳларда дам олувчи болаларни сут ва сут маҳсулотлари, шакар билан таъминлаш борасида кескин камчиликлар бўлаётганлиги аниқланди.

Қатор оромгоҳлар жойлашган Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаётган очиқ турдаги «Чирчиқшаҳарсавдо» ташкилотига қарашли 15-сонли дўкон текшириб кўрилди. У ерда санитария ва тозалик қоидаларига риоя қилинмаган. Масъул шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Оромгоҳлардаги шарт-шароитлар Бўстонлиқ тумани ҳокимлигида ҳар ҳафтада ўтказилаётган кенгашларда муҳокама қилиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда дам олувчи болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни жадал яхшилаш мақсадида қатор жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузилди. Эндиликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Паркент туманидаги «Сумча» вилоят қишлоқ қурилиш ташкилотига қарашли оромгоҳда олиб борилган текширишлар ҳам болалар учун яратилган шароитлар қониқарсиз эканлигини кўрсатди. Масалан, 7 та музлатгич жиҳозларидан бор-йўғи 2 тасигина ишлаётганлиги аниқланди. Идиш-товоқлар ювиладиган хонада иссиқ сув йўқ. Яроқсиз идиш-товоқлар ишлатилишини нима билан изоҳлаш мумкин? Чўмилиш хавзаси ҳам талаб даражасида эмас.

Давлат санитария назорати томонидан олиб борилган текширувлар худудларда тезкор гуруҳлар тузишни тақозо этди. Айни кунларда бу гуруҳлар овқатдан захарланиш ҳамда ўткир ошқозон-ичак касалликларини олдини олиш бўйича амалий ишлар олиб бормоқдалар.

И. МАВЛОНОВ,
М. АЛИЕВА,
Тошкент вилояти СЭСининг масъул ходимлари.



Юксакликдан тушар шалола...
В.ТАРАН сурат-лавҳаси.

Турли касб эгалари

ЎЗГАЛАРНИ ЎЙЛАГАН АЁЛ

ҲАЛОЛ меҳнат ҳамиша инсонни улуғлаб келган. Мукофот опа ҳам ўзининг ҳалол меҳнати билан эл ардоғини, ҳурматини қозониб келаётган қишлоқ зиёлиларидан биридир.

1959 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳини тугатиб, туман халқ таълими бўлимида иқтисодчи бўлиб иш бошлаган Мукофот Исломова кўп ўтмай туман халқ таълими ва фан ходимлари касаба қўмитасининг раиси лавозимига ишга тайинланди. Мана, ўттиз йилдан ошдики, Мукофот опа шу лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда. У одамлар ҳақида қайғуриш, уларнинг оғирини енгил қилишни ўзининг асосий бурчи деб билади. Шунинг учун ҳам ҳамкасблари тақдирини ўзиники деб тушунади. Маорифчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, уни енгиллаштириш, имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилади. Тошкент, Чимён, Кумушкон, Сўқоққа саёҳатлар ташкил қилишда бош-қош бўлади. Шунингдек, соғлом авлодни тарбиялашда, турли спорт мусобақаларини ўтказишда ғолибларни рағбатлантириш учун маблағ топиш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўлларини қидиради.

Кўп йиллик самарали меҳнатлари эвазига опа «Халқ маорифи аълочиси», «Меҳнат фахрийси» нишонларига сазовор бўлган. Халқимизда меҳнат қилган элда азиз, деган мақол бор. Мукофот Исломовани Юқоричирчиқда жуда кўпчилик танийди. Ўзгалар тақдирини ўйлаган аёлнинг ўзи ҳам эл ардоғидадир.

Латифжон МАНСУРОВ.

Бошқотирма

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган ном ва сўзлар шаклида рақамли хонадан ёй бўйича марказ томон ёзилиб, сўнгги ҳарфлари кесишади.



1. «Абулфайзхон» тарихий драмаси муаллифи. 2. Қозоғистоннинг жанубидаги вилоят маркази. 3. Фарғона водийсидаги моҳир кулоллар маскани. 4. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган азот кислотасининг тузи. 5. Марказий Осиёдаги дарё. 6. Шеърий топишмоқ тури. 7. Қамишдан тўқилган тўшама. 8. Ҳисор тизмасидан бошланувчи Тожикистондаги дарё. 9. Ҳўл мевадан тайёрланадиган ичимлик. 10. Темирчилик ва заргарликда ишлатиладиган анжом. 11. Тошкент вилоятидаги шаҳар, туман маркази. 12. Бир миқдорнинг иккинчи миқдорга кўра бўлинмаси. 13. Ҳайдалган ерни текислашда ишлатиладиган қурол. 14. Бухоро яқинида XIV асрга қадар мавжуд бўлган, ҳозирда хароба шаҳар. 15. Давлат бошлиғининг қонун кучига эга бўлган буйруғи. 16. Шашмақомда мусиқа асарининг бир қисми. 17. Уруғидан шифобахш ёғ олинадиган жийдадошларга мансуб бута ёки дарахт. 18. Миллий таом. 19. Гулширага бой, шифобахш ҳўл мева. 20. Чақадиган жониворларнинг умумлашма номи. 21. Овланадиган сайроқи тоғ қуши. 22. Мусулмон оламининг муқаддас шаҳарларидан бири. 23. Марказий Осиёдаги пойтахт шаҳар. 24. Республикамиздаги ашула ва рақс дастаси.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

МЕДАЛДАН УМИД ҚИЛСА БЎЛАДИМИ?

Футбол

◆ Мамлакат биринчилиги мусобақалари ярми ниҳоясига етди. ◆ МҲСК футболчиларининг ғалабалар бобидаги рекорди қанча умр кўраркин? ◆ Фақат бир учрашув кечиктирилди. ◆ «Дўстлик» ўз мавқеини сақлаб қола оладими?

ЎТГАН йили мавсумнинг сўнгги ўйинини сафарда «Янгиер» билан ўтказиб, Тошкентга алламаҳалда қайтган бўлишимизга қарамай Маҳмуд Раҳимов бажонидил суҳбатлашишга рози бўлганди. Бугун ана шу суҳбатдаги бир саволни эслашни лозим деб топдик. Ўшанда бош мураббийга шундай дея савол бергандим.

— Мана, жамоангиз бу йил ўз олдига қўйган вазифани ортиғи билан уддалади. Табиийки, келаси йил мутасаддилар раҳбарлар ҳам, мухлислар ҳам «Дўстлик»ни кучли учликда кўришни исташади.

— Энг аввало чиройли ўйин кўрсатишимиз керак, натижа эса шунга қараб бўлаверади, — деб жавоб қилганди Маҳмуд Раҳимов.

Бу йил «Дўстлик» жамоаси ўйинчиларининг маҳорати янада ортди, тажрибаси кўпайди. Биринчи давранинг атиги бир учрашувини (у ҳам бўлса сафарда) бой бериб, кучли учликда бораётган жамоанинг қатор ўйинлари муҳлисларга манзур бўлди. Ҳимоячи Рустам Шоймардонов, ҳужумчилар Фарид Хабибулин ҳамда Жаъфар Ирисметовларнинг мамлакат терма жамоаси сафига жалб этилганлигининг ўзи клубда лаёқатли футболчилар етишаётганлигидан далолатдир. Қолаверса, «Дўстлик»нинг қатор ўйинчилари миллий Олимпия жамоасининг асосий таркибини ташкил этади.

«Дўстлик» 3 августда пешқадам МҲСК билан биринчи давранинг сўнги учрашувини ўтказади. Ҳозирда Тошкент вилояти футболчилари 37 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Футболчиларимиз мавсумнинг иккинчи ярмида ҳам биринчи даврадагидек уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, эгаллаган мавқеларини сақлаб қолармиканлар? Медаллардан умид қилса бўладими? Тўғри, ҳозирча бирон-бир фикр айтиш, хулоса чиқариш қийин. Ўтган йилги мамлакат чемпиони «Навбаҳор» ҳам, тобора ўзини ўнглаб чиройли ўйин кўрсатаётган «Пахтакор» футболчилари ҳам медаллардан умидвор. Агарда МҲСКнинг бугунги кундаги кучли таркибини инобатга олган ҳолда уни чемпионлик учун асосий даъвогар деб ҳисоблайдиган бўлсак, қолган икки совриндин ўринга «Нефтчи», «Дўстлик», «Навбаҳор» ва «Пахтакор» тенг рақобатчилар ҳисобланади.

Биринчи давранинг сўнгги турида «Нефтчи» ўз майдонида «Навбаҳор»ни қабул қилиб, 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади. Ҳар иккала жамоа иккитадан очко йўқотди. Бу дурангнинг «Дўстлик»ка маълум даражада фойдаси тегди. Яъни «Дўстлик» билан «Навбаҳор» оралиғидаги фарқ уч очколигича қолди. «Пахтакор» сафарда «Сўғдиёна» билан учрашди. 40-дақиқада мезбонлар ҳужумчиси В. Андреев ҳисобни очди. Иккинчи бўлимнинг 66-дақиқасида Азамат Абдураимов, 78-дақиқасида Дилмурод Назаров (11-метрдан) 2 та тўп киритиб, пахтакорчиларни олдинга олиб чиқди. 85-дақиқада «Сўғдиёна» футболчилари ҳисобни тенглаштиришлари мумкин эди. Бироқ З. Зиганшин ўн бир метрлик жарима тўпидан фойдалана олмади.

17-турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Андижон» — «Янгиер» — 6:3, «Афросиёб» — «Чилонзор» — 1:0, «Трактор» — «Зарафшон» — 2:0, «Хоразм» — «Атласчи» — 3:1, «Косонсой» — «Сурхон» — 1:0, «Бухоро» — «Насаф» — 2:0.

Олий табақа иштирокчилари икки ҳафталик танаффусга чиқишди. Бу орада МҲСК билан «Дўстлик»нинг кечиктирилган учрашуви ҳамда Ўзбекистон Кубоги учун чорак финалнинг жавоб ўйинлари бўлиб ўтади. Жамоаларнинг биринчи даврадан сўнг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар:	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
МҲСК	16	16	0	0	53-15	48
«Нефтчи»	17	13	2	2	53-18	41
«Дўстлик»	16	11	4	1	33-15	37
«Навбаҳор»	17	10	4	3	42-19	34
«Пахтакор»	17	9	5	3	28-13	32
«Бухоро»	17	8	1	8	24-26	25
«Сўғдиёна»	17	8	1	8	22-25	25
«Трактор»	17	6	5	6	23-23	23
«Афросиёб»	17	5	4	8	16-22	19
«Косонсой»	17	6	1	10	14-29	19
«Насаф»	17	4	6	7	23-28	18
«Зарафшон»	17	5	3	9	25-31	18
«Андижон»	17	5	2	10	25-37	17
«Атласчи»	17	5	2	10	17-31	17
«Хоразм»	17	4	3	10	21-42	15
«Чилонзор»	17	4	2	11	16-26	14
«Сурхон»	17	3	5	9	14-36	14
«Янгиер»	17	3	4	10	21-34	13

Иккинчи давра ўйинлари 8 августдан бошланади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Спортимиз фидойилари

ШУНДАЙ МУРАББИЙЛАР ҲАМ БОР

ШАҲРИМИЗДАГИ 12-даҳада жойлашган спорт зали доимо ёшлар ва катталар билан гавжум. Бу соғломлаштириш мажмуасининг бош мураббийси эса ҳамшаҳарларимизга яхши таниш бўлган Александр Темирхоновдир.

Спортнинг эркин кураш турига астойдил меҳр қўйган Александр Темирхонов 1964 йилда Москва шаҳрида эркин кураш бўйича олий мураббийлар мактабини тамомлаб Бекобод шаҳрига келди. У дастлаб темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатида спорт йўрикчиси, сўнгра эса «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятида жамоатчи мураббий бўлиб ишлади.

Эркин кураш мухлислари тобора кўпайиб бораётганини ҳисобга олган мураббий ортиқча сарф-харажат қилмай ҳашар йўли билан қўшимча кураш залини бунёд этишга эришди. Эҳ-ҳе, бу кураш залида кимлар камол топмади дейсиз. А. Темирхоновнинг ишбилармонлиги, меҳрибон ва жонкуяр мураббий эканлиги спортга меҳр қўйган шаҳримиз ёшлари учун жуда асқотди. А. Мустафоев, А. Муротов, Н. Қодиров, Б.Кан, А. Хван каби спортчилар эркин кураш бўйича спорт усталари ва республикамиз чемпионлари бўлиб етишишди. Д. Муртазин эса Кубада ўтказилган халқаро мусобақада қатнашиб бронза медалини, Австриядаги йирик халқаро турнирда эса кумуш медални қўлга киритди.

Айни пайтда Александр Темирхонов маҳаллий ёшлар орасидан эркин кураш бўйича спорт усталарини тайёрлашга катта эътибор беряпти. Ғ. Ғофуров, Н. Сафаров, З. Убайдуллаев, Э. Дўстов, Б. Бобоназаров сингари ёшлар айнан А. Темирхонов қўлида сабоқ олишиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишган. Ҳозиргача мураббийнинг 40 га яқин шогирди спорт устаси ва республика чемпиони бўлиб етишди.

Кураш залида машғулотларни олиб бориш учун барча шароитлар етарли. Чўмилиш ҳавзаси ва сауна, дам олиш хоналари шуғулланувчилар хизматида. Спортимиз фидойиси бўлган А. Темирхоновга яқиндан кўмак бериш мақсадида А. Садриев раҳбарлигидаги «Инжу» хусусий фирмаси шаҳар бўйича ёшларнинг эркин кураш мусобақасини ўтказиш учун 80 минг сўм пул ажратди. Биринчи ўринни эгаллаган спортчига «Панасоник» магнитофони, иккинчи ўринга компьютер ва учинчи ўринни эгаллаган спортчига ҳам махсус совға топширилди. Қолган қатнашчиларнинг ҳаммаси спорт кийимлари билан тақдирландилар.

Спортимиз фидойиси Александр Темирхоновнинг режалари янада улкан. Бу ишда унга омад тилаймиз.

Р. АБДУШОКИРОВА,
А. БОЙМУРОДОВ.

● Футболга меҳри тушмаган ўсмир бўлмаса керак. Энг иқтидорлилар ихтисослашган спорт мактабларида таълим олиб, яқин келажакда мухлисларнинг севимли футбол «юлдуз»ларига айланса ажаб эмас.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Тўлабий номли жамоа хўжалигида янги ўйингоҳ ишга тушди. Спорт мажмуининг очилиш тантанасидан сўнг «Тошкент» жамоа хўжалиги ва Тўлабий номли жамоа хўжалиги футбол жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлди. Баҳс 3:3 ҳисобида тугади.

Шарофиддин УМИРОВ.

ҲАРОРАТ ПАСАЙГИСИ КЕЛМАЯПТИ

МАНА, икки кундирки, эрта ва кечки пайтлари бироз шабада эсиб, ҳароратни қисман бўлса-да пасайишига сабаб бўлмоқда. 23-27 июль оралиғида кечалари 18-23, кундуз кунлари эса аввалига 32-37 даража бўлиб турган иссиқ шанба-якшанбага бориб, яна кўтарилиши кутилмоқда. Чилла эмасми, 40 даражалик иссиқ кунлар яна давом этадиган кўринади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 124-ўрта мактаб томонидан 1981 йилда Қодирова Гулнора Собиржоновна номига берилган 552426 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Т. Умаров номли 99-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Почаева Нигора Ҳамидовна номига берилган А-001160 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими

Аброр ШАЙХОВнинг

вафот этганлигини қайғу билан билдириб, унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.30.